



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Самарқанд ҲЭТК” АЖ

Бош директори в.б.

С.Шомуратов

” 2022 й.

**Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Самарқанд шаҳри ҳудудидаги "Ургут" ЭИЗ нинг "Хишрав-2"
мавзесида икки занжирли 110 кВ бўлган электр тармоғини тортиш ва
икки трансформаторли 110/10 кВА подстанция қуриш и
учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши

Самарқанд -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмет: Самарқанд шаҳри худудидаги "Ургут" ЭИЗ нинг "Хишрав-2" мавзесида икки занжирли 110 кВ бўлган электр тармоғини тортиш ва иккита трансформаторли 110/10 кВА подстанция қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чикиш;

Танловнинг юқори қиймати КҶС билан – 642 420 225 (олти юз қирқ икки миллион тўрт юз ийгирма минг икки юз ийгирма беш) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади;

Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 45 календар кун.

1.3. Ишларни бошлаш муддати - 10 фоиз аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади;

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Самарқанд ҲЭТК" АЖ (бундаи кейин-"**Буюртмачи**" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади;

"Буюртмачи" манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 151-үй.

Эл.адрес: samhet@umail.uz

2.2. Танлов "**Буюртмачи**" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид . комиссияси томонидан ўтказилади;

2.3. Танлов "**Самарқанд ҲЭТК**" АЖ "**Буюртмачи**" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади;

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Икки ёки ундан ортиқ пурдат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига руҳсат этилмайди;

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қўйидаги талаблар кўйилади:

Иштирокчи ташкилотларнинг таъсисчилари. Шаклни тўлдиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсисчиларида ўзгарганлиги мавжуд бўлса таъсисчиларни оҳирги ўзгарганлигини кўрсатиши ҳамда оҳирги ўзгаришни нотариал тасдиqlanganligini тақдим қилиниши шарт.

Шунинигдек, тендерда катнашаётган хўжалик юритувчи субъектнинг бирор бир ташкилотнинг филиали ёки филиаллари мавжуд эканлиги тўғрисида маълумотлар киритилиши шарт.

фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги; ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдаи кам бўлмаган); тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган); тендер қатнашчилари курилиш соҳасидаги электрон рейтинг даражаси энг камида "ССС" даражада бўлиши лозим.

3.2. Тендерда қатнашиш учун танлов иштирокчиси банк ҳисоб рақамида буюртмачи томонидан талаб қилинган айланма маблағга эга эканлиги тўғрисида тижорат банк томонидан тасдиқланган маълумотнома, ёки буюртмачи томонидан талаб қилинган миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги;

3.3. Айланма маблағлар миқдори буюртмачи томонидан талаб қилинганидан кам миқдорни ташкил этган холларда, иштирокчи айланма маблағлари мавжудлиги хақидаги банк тасдиклаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этади;

3.4. Банк кафолати фақатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари билан таъминланган юқори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдиғига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда банк кафиллигига тасдиқловчи хужжатнинг рақами, санаси ва юқори турувчи банк раҳбарининг фамилияси, исми кўрсатилади;

3.5. Тендер иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар. Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳакиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт;

3.6. Тендер иштирокчisinинг охирги уч йилдаги молиявий ахволи. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳаққидаги хисботлар (баланс хисботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур;

3.7. Тендер иштирокчisinинг иш ҳаққи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари. Шакл ташкилотнинг тегишли хисбот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солик органлари томонидан тасдиқланади;

3.8. Тендер предметига ухшаш обьектларда охирги З йиллик иш тажрибаси. Ушбу жадвалда иштирокчи тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган холда хам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Лойихада кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар иштирокчи ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса хисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади;

3.9. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. Агар бошка холат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак;

3.10. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот;

- 3.11. Тендер қатнашчиси ISO сертификатига эга эканлиги;
- 3.12. Хавфи юкори бўлган обьектларни хамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойихалаштириш, куриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия;
- 3.13. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларнинг нусхалари;
- 3.14. Юқорида сўралган шакллар ва хужжатларга иштирокчи кўрсатилган тасдиқловчи хужжатларни илова қилиши керак;

Кўйидаги иштирокчиларга тендер жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
мол-мулки мусодарага олингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва
бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги
мавжудлар.

Тендер таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар тендер
иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер
предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши
хакида буюртмачига мурожаат қилишга хаклидир.

Буюртмачи обьектнинг лойиха хужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларини
нусхаси ёки электрон варианти) ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим
етишга мажбур.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон
тандловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим;
- 4.2. Тандлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи"
ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин;
- 4.3. Тандлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим;
 - Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва
хизматлар кўрсатилиши керак.
 - Нархлар қисми, Тандлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш
муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши
керак.

Тандлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит холда танишган, номерланган, ваколатли
шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда
тақдим этишлари лозим.

- 4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;
Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:
 - Техник хужжатлар рўйхати (бронпоралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати
илова қилинади);
 - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

- 4.5. Танлов иштирокчиси;
-фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқукига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва унинг маҳфийлигини, ошкоралигини таъминлаши асосланган қарор қабул қилиш бўйича маъсул;
- 5.3. Танлов иштирокчisi тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир;


КЕЛИШИЛДИ:

Харид комиссия раиси:



У. Исакулов

Харид комиссия аъзолари:



Ф. Акрамов

Харид комиссия аъзолари:



А. Шукуров

Харид комиссия аъзолари:



Д. Отамуродов

Харид комиссия аъзолари:



Ш. Жайнаров

Харид комиссия аъзолари:




И. Саматов

Харид комиссия аъзолари:



Ф. Кўлдошева

Харид комиссия аъзолари:



З. Бабанов

Харид комиссия аъзолари:



У. Бобокулов

Харид комиссия аъзолари:



А. Ахмедов

Харид комиссия аъзолари:



А. Кувондиқов

Харид комиссия аъзолари:



К. Мустафоев